Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 2 FEVRAL, shanba
№ 14 (14505)

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ 2002 ЙИЛ 27 ЯНВАРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ

# АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунларини кўриб чиқди. Умумхалқ референдуми кенг демократик асосда, очиқ ва ошкора, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кузатувчилари иштирокида ўтганлиги қайд этилди. Референдум қатнашчиларига ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги Баённи тасдиқлади. Ушбу Баёнга кўра "Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?" деган биринчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи ёқлаб, 768828 нафари ёки 6,35 фоизи қарши овоз берган.

"Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?" деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.117.841 нафари ёки 91,78 фоизи ёқлаб, 995229 нафари ёки 8,22 фоизи қарши овоз берган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтгани ва умумхалқ овозига қўйилган масалалар фуқаролар томонидан маъқуллангани ҳақида қарор қабул қилди.

# ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

**Республика Президентининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони ва шу асосда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорини самарқандлик ёшлар ҳам зўр мамнуният билан кутиб олишди.**



Азиз АКРОМОВ олган сурат

*Дилноза БОЙҚОБИЛОВА — талаба:*

**— Оилада тўрт фарзандмиз. Дадам вафот этганлар, онам билан яшаймиз. Ўзим педагогика коллежида ўқийман. Юртбошимиз Фармонини ўқиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Уйда ҳаммамиз ўқувчимиз. Ойим ишламайдилар. Пойариқдан Самарқанд шаҳрига келиб ўқийман. Ушбу Фармондан сўнг ана шундай қийинчиликлар барҳам топади, деб ўйлайман.**

*Бобомурод ҲАМДАМОВ — Беруний номидаги педагогика билим юрти талабаси:*

**— Жамият ривожига ўз улушини қўшаётган тенгдошларим қаторида мен ҳам борлигимдан мамнунман. Оилада 11 фарзандмиз. Ушбу Фармон ва қарорлар фарзандларини тарбиялаётган оилалар учун ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ёрдам бўлади.**

*Эркин АЛЛАЕВ — нафақахўр:*

**— Тўрт нафар фарзандим бор, ҳаммаси ўқувчи. Уларнинг дарсликлари, кийим-кечаклари ва яна бошқа баъзи масалаларда қийналаётган эдим. Президентимиз Фармонини ўқиб, шунчалик қувондимки, бу қувончимни сўз билан таърифлашнинг имкони йўқ.**

Содиқ НАМОЗОВ ёзиб олди

# ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

## ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида "Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммолари, ечими ҳамда истиқболи" мавзуида республика семинарини ўтказди.

Унда асосий эътибор соҳани ривожлантириш, бу ишда тадбиркорларни қийнаётган муаммолар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва соҳанинг истиқболи каби муҳим масалаларга қаратилди.

**Сайфулла ТОҒАЕВ**

## «БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ» ТАДБИРЛАРИ

Вилоят Болалар ташкилотининг янги ташаббуси қўллаб-қувватланди. Унга кўра, шу йилнинг май ойи охиригача вилоятнинг барча мактабларида "Болалар ташкилоти — менинг ташкилотим" мавзуидаги диктантлар ва баёнлар танлови ўтказилиб, унинг якунида ғолиблар тақдирланадиган бўлди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Бувайда туманида "Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва жойларда етакчилар ишларини ташкил этиш тажрибаси" мавзуидаги кўргазмали, амалий ўқув семинар-фестивали ҳам ўтказилди.

**Фозилжон МАМАДАЛИЕВ**

## «КАМОЛОТ» СОАТЛАРИ

"Камолот" — бугун ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчига айланиб бормоқда.

Буни Ҳаракатнинг Бағдод туман Кенгаши ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида очилган "Болалар боғи", "Ёшлар уйи"да ўтказилиб келинаётган давра суҳбатлари, кўнгилочар кечалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтказилаётган "Остонангизни асранг, ёшлар!", "Камолот" ва ёшлар" мавзуларидаги очиқ мулоқотларда иштирокчилар мавжуд муаммолар ўз ечимини топиши, аввало, ўзларига боғлиқ эканлигини тушуниб етмоқдалар.

**Сардорбек ТЎРАЕВ**

СПОРТ — ҒАЛАБАЛАРГА ИЛҲОМЛАНТИРАДИ 2-бетда

СЕНИ ДАВОЛАСА БЎЛАДИ 3-бетда

TV DASTURLARI 4-5-6-бетда

ОДАМЛАРНИ БИЛАСИЗМИ? TEST 6-бетда

КЎНГИЛ МАНЗАРАЛАРИ 7-бетда

КУЛГИ БЕКАЖИ ҚОШҚОТИРМА ВА ШЕЪРЛАР 8-бетда

## Giyohvandlik - asr vabosi

# СЕНИ ДАВОЛАСА БЎЛАДИ

**Ҳозир азобдасан. Аъзойи-баданинг шунчалар қақшаб оғрияптики, худди суякларинг майда-майда бўлиб кетаётгандай. Дунёнинг оғриқлари танингда, даҳшатлари кўзингда. Хумор қиляпти.**

Жуда ёмон хумор қиляптиэй! Ўзингни ўзинг уриб кўрдинг, бўлмади. Қани эди босилса, лаънати! Уй ичида бақирдинг, дод, дединг, йиғладинг ҳатто. Яхшиям ота-онанг уйда йўқ, нима ишлар қилиб юрганингдан бехабар. Чунки уларнинг наздида ҳамма нарсанг етарли: ҳаммадан зўр кийинасан, ҳаммадан яхши ейсан. Бунинг устига, унча-мунча одамнинг боласи йўлолмайдиган даргоҳда ўқийсан.

Афсуски, сен шунақа шароитга ўрганган эдинг. Айтганинг айтган, деганинг деган... Тўғри, ҳозир оқибатни ўйлайдиган аҳволда эмассан. Руҳинг қийноқда. Онгингда, кўз олдингда — "дори" тортилган шприц. Тезроқ уни топсанг, озиб кетганингдан ирғиб кўзга ташланиб турган томирингга санчсанг, тасвирлаб бўлмас азоблардан қутилсанг бўлди! Бошқа нарса қизиқтирмайди. Бир лаҳзалик оромдан кейинги азоб учун видеони сотдинг, телевизорни сотдинг. Ҳар бири 100 минг сўмдан кўпроқ турадиган кийимларинг ҳам сени таъминлаб турадиганларнинг эгнига илинди. Шундаям улар сени бежиз "танламаганлигига" фаҳминг етмади. Қолаверса, ёлғиз ўзингга тегишли бўлган буюмларнинг таги мўл эди. Яна озроқ юрганингда ўзингга тегишли бўлган яна "ниманидир" сотиб юборишинг тайин экан-у, бахтингга ота—онанг сезиб (кечроқ бўлсада) қолишди...

Наманган вилоятидаги наркология диспансери бош ҳакими Жамолиддин Шералиев изоҳи:

—Дарҳақиқат, С. исмли йигит ота-онаси орқали бизга мурожаат қилди. Бир ойдан кўпроқ вақт ичида даволаш муолажаларини олиб бордик. Натижада буткул соғайиб кетди. Қайта даволашга эҳтиёж сезгани йўқ.

—Тўғриси, йил якунидаги маълумотлар билан танишиб, шукр дедим. Диспансер назоратига олинганлар сони йилдан йилга кўпаяётганига қарамай, (2000 йилда 44 нафар, 2001 йилда 71 нафар) улар орасида ёшларнинг камлиги яхши, албатта. Бунинг устига ҳисобга олинган 27 нафар ўсмирнинг биттагинаси гиёҳванд экан. Бу вилоятимиздаги ҳар томонлама кучли назоратдан далолат. Чунки жойлардаги ички ишлар бўлимлари ва божхоналар самарали ишлайди.

**—Ҳали айтдингиз, кўпроқ "обрўли" хонадон фарзандлари гиёҳвандликка мубтало бўлаяпти экан?**

—Баъзи бир шунақа хонадонда ўсган болалар учун ҳамма шароит ота-онаси томонидан яратилган. Табиийки, айтгани-айтган, дегани-деган. бола хоҳлаган нарсасини қилиб кўришга интилади. "Оқ ажал" билан бизнес қилувчиларга шунақа "кўнгилли" пулдорлар керак. Биринчи марта "мардлик" учун, ўзини кўрсатиш учун тортиб кўради. Бу гал салбий таъсир ўтказмаслиги мумкин. Иккинчи марта қабул қилиш — азоблар бошланди деган сўз.

**—Маълумотларга қараганда гиёҳвандлар 5 йилдан ортиқ яшамас эмиш?**

— Беш ўн йил мобайнида кирдикорларини айтмайсизми уларнинг? Ота-онаси умрини эговлайди, оиласини барбод қилади, бор-йўғини сотиб ейди...

Дарҳақиқат, шунақа бўлса бордир. Аммо... менимча гиёҳвандлар тўғрисида маълумотга эга бўлгач, фақат шўринг қурғур бангиларни айблашимиз нотўғри. Ахир, у бечорани ҳам онаси маъсум, беғубор ҳолатда дунёга келтирган. Нашавандлик деган совуқ ном анча кейин ЛОҚАЙДЛИК туфайли пайдо бўлмадимикан? Бир болага етти маҳалла ота-она, дейишган бурунгилар. Ваҳоланки, ўша болани етти маҳалла наридагилар эмас, ёнидагилар гиёҳвандликка ўргатишяпти, чамамда. Шундай экан, пуф-пуфлаб ўстирган ўғлингизга нега бефарқ қарайсиз, одамлар? Кийинтириш, қорин тўйдириш билан иш битмайди бу замонда. Хумори тутган пайтда бир мисқол нарса учун ҳар нарсага қодир, шуни биласизми?

Балки кўп ҳолларда бўлар иш бўлиб, бўёғи сингандир. Аммо тушкунликка тушманг, тенгдошим. Гиёҳвандликни даволаса бўлади. Диспансерга боргани хижолат қилсангиз, жойлардаги "Ишонч" пунктларига мурожаат этинг. Катталардан йўлга солиш, сиздан хоҳиш бўлса бас.

**Зоҳида КЕНЖАЕВА,**
**«Turkiston» мухбири**

# ОСИЁДА МАШҲУР «ОТЧОПАР»



**Тошкент шаҳар "Отчопар буюм бозори" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Муҳитдин Аташиков билан суҳбат**

**— Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодийислоҳотларнинг туб моҳиятини якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар онгига етказиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида "Отчопар буюм бозори"да қандай ишлар қилинмоқда?**

— Кўпчилик ёшларимиз тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳаракат қилмоқда. Бозор иқтисодиётига бўлган муносабат қонунчилигимизда ҳам тубдан ўзгарди. Шу маънода мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар, чиқарилаётган қонун ва фармонлар ўз натижасини беряпти. Мустақиллик йилларида тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун мамлакатимизда катта имкониятлар яратилди. Чекка жойларда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчиларга яқиндан кўмак бериш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш борасида дастурлар ишлаб чиқилганини яхши биламиз.

Бугун биз тарихий даврда яшаётганимиздан, тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлаётганимиздан, албатта, ғурурланамиз. Ташкил қилинган улкан корхоналар бир кун дунё миқёсидаги кучли мажмуаларга айланишига ишончимиз комил. Бинобарин, иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини бозорларимиз фаолиятининг кенгайиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли шаҳарларида қад ростлаётган янги бозор мажмуалари халқимизнинг харидини осон қилиш ва якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга янги савдо ўринларини яратишдан иборатдир. Шу мақсадда 1995 йил қуриб битказилган "Отчопар" буюм бозори" ҳозирги кунда мамлакатимиздаги энг йирик бозорлардан биридир. Айни дамда юртимизнинг барча вилоят ва туман марказларидаги буюм бозорларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг қарийб 90 фоизи ўз молларини шу ердан харид қилишади. Бир сўз билан айтганда, "Отчопар" буюм бозори — марказий бозорлардан биридир. У ерда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бозорни қайта таъмирлаш ва қўшимча расталарни барпо этиш учун 900 миллион маблағ ажратилди. Яна 800 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу пулларнинг барчаси "Отчопар" буюм бозори»да фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва харидорларга қулайликлар яратиш учун сарфланади. Қайта қуриш борасидаги ишларимизнинг дебочаси сифатида дастлабки ишни бозор лойиҳасини чизишдан бошладик. Бу лойиҳанинг муаллифи таниқли архитектор Фарҳод Турсуновдир.

**— Лойиҳада кўрсатилган иншоотларни қуриш қанча давом этади? Унда харидор ва сотувчиларга қандай қулайликлар яратилган?**

— Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун бир қатор қурилиш ташкилотлари билан музокаралар олиб бормоқдамиз. Қанча муддатда битишига келсак, кўпга чўзилмайди. Чунки, муассисимиз Тошкент шаҳар ҳокимлиги олдиндан маблағ билан таъминлаб қўйибди, бу ёғига фақат ҳаракат қилмоғимиз керак. Харидорлар юрадиган йўлакларнинг торлиги, бозор атрофидаги сув ҳавзаларининг таъмирга муҳтож эканлиги кўпчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Харидорларнинг барча талаблари ўрганилиб лойиҳага киритилди. Улар учун бозор атрофида соябонли ўтирғичлар, тоза сув қувурлари, фавворалар қуриш мўлжалланмоқда. Бозордан чиқиб дам олиш учун махсус жойлар қуриш ҳам лойиҳадан ўрин олган. Лойиҳа бўйича шаҳар автобуслари, маршрут таксилари ҳамда вилоятлардан келган автобуслар учун алоҳида тўхташ жойлари ташкил қилинади. 1966 та енгил, 44 та юк машиналари учун тўхташ жойлари бунёд этилади. Шу билан бирга вилоятлардан ташриф буюрганлар учун 50 ўринли меҳмонхона қуришни мўлжаллаяпмиз. Тадбиркорларга янги имкониятлар яратиш мақсадида бозордаги савдо қилиш жойларини қайта таъмирлаш ва жаҳон бозорлари талаблари даражасига келтириш кўзда тутилмоқда. Бозорни қор ва ёмғирдан ҳимоя қиладиган муҳим воситалар билан жиҳозлаш учун 190 миллион сўм пул керак бўлар экан. Бу ишларни ўз эҳтиёжимиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқчимиз. Шу билан бир қаторда хиёбонлар, савдо йўлаклари, қўшимча ёпиқ типдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилишга мўлжалланган савдо бозори қурилиш арафасида турибди. Бу эса яна 2000-3000 киши иш билан таъминланади, деганидир. Бозорнинг умумий майдони 31 гектарни ташкил қилади. Ҳозирги жойлашган ўрнимиз эса 10 гектар. Бозорнинг янги кўринишига яқин кунлар ичида гувоҳ бўламиз.

**— "Отчопар" буюм бозори"ни юртимизнинг барча жойларида яхши билишади. Айтинг-чи, бозорда қанча тадбиркор фаолият кўрсатади ва бозорнинг бир йиллик даромади қанча сўмни ташкил этади?**

— "Отчопар" буюм бозори"ни бутун Ўрта Осиёда яхши билишади. Айни пайтда бозорда саккиз мингдан ортиқ тадбиркор фаолият олиб бормоқда. Бир кунда 40-50 минг, мавсум пайтида эса, яъни ёз ойларида 60-70 минг харидор бўлади. Бозорнинг даромади, молиявий сарф-харажатлар ва бозор маъмурияти томонидан қилинган ишлар акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши ҳамда умумий мажлиси томонидан назоратда бўлади. 2001 йилда ялпи даромад 2 миллиард 300 миллион сўмни ташкил қилди. Соф даромад эса 700 миллион сўмга етди. Маҳаллий бюджетга 1 миллиард 150 миллион сўм маблағ туширдик. 2002 йилда ялпи даромадни 3 миллиард 200 миллионга етказишни режалаштирганмиз. Бу кўрсаткичга бозордаги нарх-навони ошириш билан эмас, балки харидорларга қўшимча хизмат турларини яратиш ҳисобидан эришиш мўлжалланган. Чиқарилган дивидентларимизнинг 80 фоизи Тошкент шаҳар ҳокимлигига тегишли, 20 фоизини эса меҳнат жамоамиз ва эркин савдога чиқарганмиз. Бу томондан фойдамиз анча яхши.

Умуман олганда, республикамиз ҳукумати томонидан бозорларни такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Отчопар" буюм бозори"га кўрсатилаётган ёрдам туфайли бозордаги шарт-шароитлар яхшиланаётгани ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир. Меҳнат жамоамиз билан биргаликда Ватан ва халқ манфаати учун хизмат қилиш энг катта вазифамиздир.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**Иззат ТАНГРИЕВ,**
**«Turkiston» мухбирлари**

